

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЕХКАНОВ НАРИМОН БУРХОНЖОНОВИЧ

**ЖАМИЯТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШДА
ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ (PR)НИНГ
ЎРНИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) наук

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Дехканов Наримон Бурхонжонович

Жамиятни барқарор тараққиётини таъминлашда жамоатчилик билан алоқа технологиялари (PR)нинг ўрни..... 3

Дехканов Наримон Бурхонжонович

Место технологий связи с общественностью (PR) в обеспечении стабильного развития общества..... 27

Dexkanov Narimon Burkhonjonovich

The role of technologies (PR) of public relations in promoting stable development of the society 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЕХКАНОВ НАРИМОН БУРХОНЖОНОВИЧ

**ЖАМИЯТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШДА
ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ (PR)НИНГ
ЎРНИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/Ss37 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз-резюме) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.sf-ik.uz) ҳамда "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Жўраев Рўзимат Тўхтасинович
сиёсий фанлар доктори (DSc)

Расмий тақризчилар:

Мунавваров Зоҳидилло Иномходжаевич
сиёсий фанлар доктори, профессор

Идинов Улугбек Юсунович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Омонов Баҳтиёр Аҳтамович
сиёсий фанлар доктори (DSc)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "6" май куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университетининг Ижтимоий фанлар факультети, 5-қават, 511-хона). Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (24 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 227-02-24; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2021 йил "23" апрель куни тарқатилади.
(2021 йил "23" апрель даги 27 рақамли реестр баённомаси).



Ш.И.Пахрутдинов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, сиёс. ф.д.,
профессор

К.М.Мирзаахмедов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, ф.д.
(PhD)

А.Г.Муминов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қoшнiдаги
Илмий семинар раиси,
сиёс. ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг аксар давлатларида демократик кадриятларнинг бузилиши ва жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар кузатилмоқда. Жаҳондаги демократик оқим тарафдорлари демократия тараққиётини халқ ҳокимиятини ривожлантиришга сафарбар қилаётган бир даврда, жамоатчиликни автократик бошқариш усуллари ва халқ манфаатларига зид ғайридемократик чора-тадбирлар билан бошқариб бўлмайди. Таъкидлаш лозимки, жамоатчилик фикрини шакллантиришда ўтган асрда фойдаланилмаган янгича механизмлар юзага келмоқда. Шунингдек, ижтимоий-сиёсий рекламанинг ва PR технологияларининг институтлашуви жараёни кечмоқда. Бугун замонавий PR технологиялари бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш сиёсатини амалга ошириб бориш дунёдаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ривожланган хорижий давлатларнинг аксариятида жамоатчилик фикрини шакллантиришда номзодларнинг шахсини ижтимоий тармоқларда популяризациялаш, омма эътиборини жалб қилиш каби сиёсий технологияларни қўллаш орқали ўз мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилиб, “инсон омили”ни биринчи ўринга олиб чиқиш устувор аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда фаолият олиб бораётган бир қатор тадқиқот марказларида муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун халқ ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги мулоқот самарадорлигини оширишга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Илмий тадқиқотларда замонавий сиёсий PR технологияларни яратиш жараёнини таҳлил этиш, манфаатдор сиёсий гуруҳлар ҳолислигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда жамиятни ислоҳ қилишнинг ўзига хос йўналиши бўлган халқ учун муносиб яшаш шароитини таъминлаш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, очик фуқаролик жамиятини шакллантириш ва демократик ўзгаришларни амалга ошириш борасида халқ билан мулоқот тизими шаклланимоқда. “Демократик жамиятда барча давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан яқин ижтимоий ҳамкорлик қилишга ўрганиши керак. Маълумки, бугунги кунда анъанавий ахборот воситалари билан бирга Интернет, ижтимоий тармоқлар, блогерлар жамоатчилик фикрини шакллантиришда катта роль ўйнамоқда”¹. Бу эса мазкур соҳадаги халқаро тажрибани чуқур ўрганиш, миллий ва умуминсоний анъаналарни ўзлаштириш, илғор мамлакатлар ютуқларидан самарали фойдаланиш асосида фуқаролик жамиятини такомиллаштириш усулларини тадқиқ этиш долзарблигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

¹ Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. <https://president.uz/uz/3119>

ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2018 йил 4 майдаги ПФ-5430-сон “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2851-сон “Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодийтни модернизациялаш ва либераллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Сиёсий менежмент, унинг муҳим соҳаси PR (public relation) технологиялари бўйича нафақат илмий тадқиқотлар олиб бориш, балки малакали кадрлар тайёрлаш масаласи хорижий мамлакатларда кенг ривожланган. Жамоатчилик билан алоқа, ижтимоий коммуникациялар орқали давлат бошқарувига оид илк тадқиқотлар ва ташкилий ишларни амалга оширишда АҚШ биринчи ўринда туради. АҚШнинг Institute research social opinion of Gallup, Centre research of civil society of Johns Hopkins University ва бошқа илмий марказларида public administration ва public policy мутахассисликларидан малакали менежерлар ва пиарменлар тайёрлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминлашда жамоатчилик билан алоқа технологиялари (PR)нинг ўрни масалаларига оид олиб борилган тадқиқотларда, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: Буюк Британиядаги жамоатчилик бўйича халқаро ассоциация томонидан PR технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш концепцияси ишлаб чиқилган (International Public Relations Association, IPRA, Institute Gelap for publisher disput, АҚШ, Peace Research Institute Frankfurt, Centre of Scientific investigation of Civil Society, Германия); Европа конфедерациясида МАПР фаолият кўрсатади, мунтазам илмий конференциялар ўтказилади, PR эндигина кириб бораётган мамлакатларга методологик ва методик жиҳатдан назарий концепциялар ишлаб чиқилган (“International Public Relations Rewiev”, “PR week”, “The Holmes Report”, Centre International investergate of

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.gwu.edu>, <http://www.hsfk.de>, www.ucentralasia.org, www.nti.org, www.iips.org, www.nira.org, www.cbs.dk/en, www.leeds.ac.uk, www.nirc.nanzan-u.ac.jp/en/publications, <https://ru.wikipedia.org>, <https://ru.wikipedia.org>, <https://ru.rags.ru>, <https://ru.dugin.ru>, www.useoul.edu, www.uni-freiburg.de, www.csis.org, www.iips.org/en/, www.riss.ru, www.chinacenter.net, www.kisi.kz, www.uzstrateg.info, www.ifs.uni-frankfurt.de, www.centralasiaprogram.org, www.dba.uz, www.uzhistory.uz, www.nuu.uz, www.tuit.uz. ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Oxford University, Буюк Британия, Centre of scientific investigation of Central Asia, АКШ, The China Research Center, Хитой, Institute of International Policy Studies, Япония, Asian Strategy and Leadership Institute, Малайзия, Eventiada IPRA Golden World Awards, Россия).

Бугунги кунда жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминлашда PR технологияларининг ўрни, жумладан, жамоатчилик фикрини шакллантиришда ижтимоий-сиёсий рекламанинг роли, сайлов жараёнларида жамоатчилик фикрига таъсир қилишнинг замонавий усуллари, ижтимоий-сиёсий PR технологияларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (М.В.Ломоносов номи Москва давлат университети, Халқаро иқтисод ва бизнес институти, Давлат бошқарув университети, Ф.М.Достоевский номидаги Омск давлат университети, Президент хузуридаги халқ хўжалиги ва давлат хизмати академияси). Тадқиқот натижалари асосида PR технологияларининг турли масалаларига доир илмий ва услубий мақолалар расмий журналларда эълон қилиб борилмоқда (“Советник”, “Sostav.ru”, “Advertology.ru”, “Новости СМИ”, “Пресс-служба”).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Демократик давлатларнинг сиёсий ҳаётида жамоатчилик фикрини шакллантиришда ижтимоий-сиёсий технологиялар катта роль ўйнаганлиги боис, улар доимо тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборида бўлган, мазкур муаммо кўплаб манбаларда ўз аксини топган. Мамлакатнинг демократик тараққиётида жамоатчилик фикрининг муҳимлиги, демократик сайловларни ташкил этиш, бу жараёнда муқобил кучларнинг соғлом рақобатини таъминлаш, сайловларни янада эркинлаштириш, партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш, аҳолининг сиёсий маданиятини юксалтириш муаммоларининг Ўзбекистон Республикаси билан боғлиқ жиҳатларини ўрганишда Президент Шавкат Мирзиёевнинг асарлари методологик манба бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистонда 2017 йилдан бошланган давлат ва жамият ҳаётидаги туб бурилиш – давлат ва халқ, ҳокимият ва фуқаро ўртасидаги мулоқотни кучайтириш, шу йўл билан аҳолини замонавий ижтимоий давлат барпо этишга қаратилган стратегик мақсадни реаллаштиришга йўналтирилган сиёсатига дахлдорлик туйғусини шакллантириш замонавий ахборот коммуникацияларига эҳтиёжни ошириб юборди. Сиёсий бошқарув, ушбу жараёнда раҳбар ва фуқаронинг тенг иштирокини таъминлаш, ОАВ таъсир кучини ягона мақсадга қаратиш долзарблашди. Бу шароитда сиёсий бошқарув (менежмент) воситасида ижтимоий барқарорлик, фуқаролараро, конфессиялараро ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш амалий сиёсатнинг асосий векторига айланди. Мамлакатимиз ижтимоий фанлари соҳаси вакиллари ушбу мақсадларни амалга оширишда янги илмий инновацияларга ҳаётий эҳтиёжни илғаб олишди ва замонавий давлат бошқаруви, ахборот-коммуникациялари ва раҳбаршуносликка оид қимматли илмий тадқиқотларни амалга оширишди. Тарихчи, журналист, ҳуқуқшунос, файласуф, социолог, сиёсатшунос, иқтисодчи, психолог олимларимиздан Д.Алимова, Т.Алимардонов, Б.Алимов, А.Арипов, А.Бегматов,

М.Бекмуродов, В.Каримова, М.Жакбаров, К.Калонов, Ф.Иргашев, Н.Комилов, А.Мўминов, Ф.Мўминов, Қ.Назаров, С.Отамуродов, Ш.Пахрутдинов, Н.Жўраев, И.Эргашев, Ж.Раматов, С.Умаров, Н.Умарова, А.Очилдиев, Ф.Равшанов, А.Саъдуллаев, А.Холбеков ва бошқалар³нинг илмий мақолалари, китоблари ва диссертациялари тадқиқот мавзусига алоқадор, гарчи бевосита бўлмаса-да, ахборот, маънавий саводхонлик муаммолари бўйича тадқиқот учун назарий асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотда нафақат хорижий, балки маҳаллий ўзбек жамиятшунослиги ютуқларидан ўз ўрнида фойдаланилди. Жумладан, сиёсатшунос А.Мўминовнинг “Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари” монографияси, Н.Ориповнинг “Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологиялари: умумий тушунчалар, жаҳон тажрибаси, Ўзбекистонда жорий этиш истиқболлари”, С.Отамуродовнинг “Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик” монографияси, Ж.Мавлоновнинг “Коммуникативные основы деятельности институтов гражданского общества: тенденции и инновации” номли монографияси, Р.Давлетовнинг “Развивая диалог между государством и гражданами” номли монографияси, О.Абдуазимовнинг “Фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари” номли монографияси ва бошқаларда давлат ва жамият, ҳокимият ва фуқаро мулоқотининг фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнидаги долзарб сиёсий, ҳуқуқий, социологик, фалсафий, психологик муаммолари ёритилган⁴. Маҳаллий адабиётларнинг сиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, гарчи мавжуд илмий адабиётлар тадқиқот мавзусига яқин бўлса-да, айнан сиёсий менежмент ва PR технологияларига оид, айниқса, уларнинг жамият барқарорлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти муаммоси тизимли ва мақсадли ишланмаган. Зеро, оммавий ахборот воситаларининг демократиялашуви ва либераллашувига доир қонунчилик базаси яратилган бўлса-да, ҳозирча сиёсий менежмент ва сиёсий PR институтларини легитимлашга доир меъёрий-ҳуқуқий асослар шаклланмаган. Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунлари ушбу йўналишдаги дастлабки қадамлар саналади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Наманган давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ЁА2-ОТ-0-14679 ЁА2-15 – “Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда давлат ва жамият, ҳокимият ва халқ мулоқоти ўзаро муштараклигига эришиш, жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминлашда жамоатчилик билан алоқа технологиялари (PR)нинг ўрнини очиб бериш, давлат билан халқ ўртасида самарали мулоқотни таъминлаш юзасидан таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан

³ Ушбу олимларнинг илмий ишлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида келтирилган.

⁴ Адабиётлар диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида келтирилган.

иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари кўзланган мақсадни амалга оширишга қаратилган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

халқ ҳокимиятчилигини шакллантириш – жамият барқарор тараққиётини таъминлашнинг методологик ва назарий асоси эканлигини тадқиқ этиш;

Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси – халқ ва ҳокимият, шахс ва давлат ўзаро алоқасини ривожлантиришнинг назарий асоси эканлигини илмий ёритиш;

давлат бошқаруви тизимини модернизациялаштиришнинг сиёсий концептуал асосларини ёритиш;

Ўзбекистонда сиёсий соҳа барқарорлигини таъминлашда сиёсий менежмент ва сиёсий PR ўрнини илмий асослаш;

сиёсий PR ва оммавий ахборот-коммуникациянинг жамият барқарорлигини таъминлашдаги ўрнини очиқ бериш;

сиёсий менежмент – жамият барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили эканлигини илмий жиҳатдан асослаш;

сиёсий тизимда имижмейкинг ва унинг жамоатчилик билан алоқаларнинг ривожланишидаги ўрнини кўрсатиш;

давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик билан алоқа технологиялари (PR) ва имижмейкинг жараёнларини сиёсий таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистонда жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминлашда жамоатчилик билан алоқа (PR) технологияларининг ўрнини очиқ берувчи ижтимоий-сиёсий жараёнлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги давлат ва жамият бошқарувини модернизациялашда давлат ҳокимияти ва халқ ўртасидаги коммуникация жараёнларида фойдаланиладиган жамоатчилик билан алоқа (PR) технологиялари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда цивилизацион, тарихий ёндашув, кузатув, анализ ва синтез, редукция, ретроспектив таҳлил, компоратив метод, контент-таҳлил, вазиятли таҳлил, футурологик таҳлил ва сиёсий билишнинг бошқа методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда жамият ҳаётини модернизациялаш ва ривожлантириш стратегияси тақозо этаётган янги коммуникатив инновациялар – сиёсий менежмент ва жамоатчилик билан алоқа технологиялари (PR) давлат ва халқ ўртасидаги ўзаро алоқа воситаси сифатида жамият барқарорлигини таъминлаш омили эканлиги очиқ берилган;

давлат ва халқ ўртасидаги алоқалар самарадорлигини янада мустаҳкамлаш учун фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирокида медиатаълимнинг интеллектуал, инновацион имкониятларидан самарали

фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш ижтимоий зарурат эканлиги очиб берилган;

олий таълим муассасаларида хорижий давлатлар тажрибаси асосида давлат бошқаруви тизими учун “давлат хизмати”, “сиёсий менежмент”, “сиёсий PR” ва “сиёсий реклама” ихтисослигини таъсис этиш лозимлиги илмий асосланган;

ижтимоий-сиёсий рекламанинг сиёсат субъектлари билан фуқаролар ўртасида мулоқот ўрнатишга, жамият аъзоларининг сиёсий майдондаги ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиши асосланган;

жамиятни демократлаштириш жараёнида партиялараро рақобат муҳитини шакллантириш учун сайлов тизимини такомиллаштириш ҳамда “партия ва фуқаро”, “партия ва ННТ”, “партия ва маҳалла” тизими асосида сиёсий партияларнинг жамоатчилик билан доимий ва мақсадли алоқасини йўлга қўйиш лозимлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сиёсий менежмент, сиёсий реклама, лоббизм, имижмейкинг, сиёсий психологик манипуляция масалаларининг илмий таҳлили ва татбиқий-инновацион ҳолат бўйича ривожланган давлатлардан ортда қолаётганлиги, сиёсий PR бўйича таълим берувчи олий таълим муассасаси ташкил этиш лозимлиги асосланган;

миллий мустақиллигимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, “рангли” ижтимоий тўқнашувларга йўл қўймаслик учун ҳам жамият сиёсий менежментини, янги миллий сиёсий технологияларни йўлга қўйиш, шу орқали Ўзбекистоннинг ижобий имижини яхшилаш, инвестиция ва халқаро туризмни янада ривожлантириш мумкинлиги ҳақида хулосалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги уларнинг сиёсий менежмент ва сиёсий PRга, демократик жамиятнинг сиёсий бошқарувига доир хорижий илмий манбалардан, мавзуга оид маҳаллий илмий ишланмалардан, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясининг беш устувор йўналишида илгари сурилган вазифалардан, Президент Ш.М.Мирзиёевнинг давлат бошқарувини такомиллаштириш, давлат ва халқ ўртасида мулоқотни мустаҳкамлашга доир ғояларидан келиб чиққанлигида кўринади. Шунингдек, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, илмий монография, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хорижий адабиётлар ва мавзу бўйича маҳаллий илмий ютуқлар асосида сиёсий менежмент, сиёсий PR ҳодисаларини тизимли тадқиқ ва таҳлил қилинганлиги, ўзбек сиёсатшунослигига муайян ҳисса қўшилганлиги билан изоҳланади.

Шунингдек, диссертацияда илгари сурилган концептуал ғоялардан “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти”, “Ўзбек давлатчилигининг тараққиёт босқичлари”, “Миллий ғоя тарғиботи технологияси” фанлари бўйича яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларда самарали фойдаланиш мумкинлиги билан ҳам изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, демократик сайлов жараёнларида, сиёсий партиялар томонидан ўз электорати билан ишлашда, сиёсий партия ижтимоий нуфузининг оммалашшида фойдалана олишда, нодавлат нотижорат ташкилотлари, хусусан, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари билан давлат ўртасидаги мулоқот самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи қўлланма вазифасини бажариши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг натижалари сифатида ишлаб чиқилган жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминлашда жамоатчилик билан алоқа (PR) технологияларининг ўрнига оид илмий хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий этилаётгани бўйича қуйидаги тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган:

Ўзбекистонда жамият ҳаётини модернизациялаш ва ривожлантириш стратегияси тақозо этаётган янги коммуникатив инновациялар – сиёсий менежмент ва жамоатчилик билан алоқа технологиялари (PR) давлат ва халқ ўртасидаги ўзаро алоқа воситаси сифатида жамият барқарорлигини таъминлаш омили эканлигига доир хулосалардан олий таълим муассасалари талабалари учун яратилган муаллифлар жамоасининг “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 5 июндаги 89-03-1913-сон маълумотномаси). Натижада мазкур назарий хулосалар дарсликнинг мукамаллаштишига катта ҳисса қўшган;

давлат ва халқ ўртасидаги алоқалар самарадорлигини янада мустаҳкамлаш учун фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирокида медиатаълимнинг интеллектуал, инновацион имкониятларидан самарали фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш ижтимоий зарурат эканлигига оид хулосалардан олий таълим муассасалари талабалари учун яратилган муаллифлар гуруҳининг “Миллий ғоя тарғиботи технологияси” ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 5 июндаги 89-03-1913-сон маълумотномаси). Мазкур назарий хулосалар ўқув қўлланманинг назарий жиҳатдан бойишига хизмат қилган;

олий таълим муассасаларида хорижий давлатлар тажрибаси асосида давлат бошқаруви тизими учун “давлат хизмати”, “сиёсий менежмент”, “сиёсий PR” ва “сиёсий реклама” ихтисослигини таъсис этиш лозимлигига доир тавсиялардан олий таълим муассасалари талабалари учун яратилган муаллифлар жамоасининг “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 5

июндаги 89-03-1913-сон маълумотномаси). Мазкур тавсияларнинг дарсликка киритилиши уларнинг ижтимоий жиҳатдан оммалашшига, назарий кўникмаларнинг шаклланишига катта ҳисса қўшган;

ижтимоий-сиёсий рекламанинг сиёсат субъектлари билан фуқаролар ўртасида мулоқот ўрнатишга, жамият аъзоларининг сиёсий майдондаги ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиши асослаб берилганига оид янгиликдан Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-474-сон “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунини тайёрлашда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали парламент аъзоларининг аҳоли билан ўзаро онлайн мулоқотини янада такомиллаштириш, депутатларнинг ҳудуддаги аҳволдан хабардорлигини ошириш имкониятини яратиш бўйича таклифларидан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида “электрон парламент” тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 15 августдаги 1899-III-сон қўшма қарорини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 27 ноябрдаги 02/3- 221-сон маълумотномаси). Мазкур фикр-мулоҳазалар мамлакатда давлат ва халқ ўртасидаги алоқалар самарадорлигини янада оширишга ҳамда Олий Мажлис фаолиятининг ушбу йўналишдаги ишлари самарадорлигининг ошишига хизмат қилган;

жамиятни демократлаштириш жараёнида партиялараро рақобат муҳитини шакллантириш учун сайлов тизимини такомиллаштириш ҳамда “партия ва фуқаро”, “партия ва ННТ”, “партия ва маҳалла” тизими асосида сиёсий партияларнинг жамоатчилик билан доимий ва мақсадли алоқасини йўлга қўйиш лозимлигига доир хулосалардан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлардаги Сайловолди дастурининг “Давлат, жамият қурилиши ва суд-ҳуқуқ соҳасида ижтимоий тенглик ҳамда ижтимоий демократия” бандлари ишлаб чиқилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгашининг 2019 йил 9 декабрдаги 1-962-сон далолатномаси). Натижада ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим жабҳалари, аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларига дахлдор бўлган ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган масалалар бўйича ижро ҳокимияти томонидан қарор қабул қилишда, парламентдаги сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари билан мажбурий жамоатчилик маслаҳатларини ўтказиш механизмининг жорий этиш, давлат хизматлари марказлари негизида “электрон ҳукумат” тизими асосида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига қонун лойиҳалари ва турли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни жамоатчилик муҳокамаси ва жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш жараёнида эркин қатнашиш имконини берадиган шохобчалар ташкил этиш вазифаларини амалга оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф томонидан эълон қилинган 1 та монография, 1 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган журналларда 11 та мақола, шундан 4 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг асосий матни 241 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика инновацион ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсад ва вазибалари аниқланган. Олинган натижаларнинг илмий янгилиги, илмий хулосаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация тадқиқотининг **“Жамиятни барқарор тараққиётини таъминлашда жамоатчилик билан алоқа (PR) технологияларини тадқиқ қилишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, унда халқ ҳокимиятчилигини шакллантириш – жамият барқарор тараққиётини таъминлашнинг методологик ва стратегик асоси, шунингдек, Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси халқ ва ҳокимият, шахс ва давлат ўзаро алоқасини ривожлантиришнинг замонавий сиёсий дастури эканлиги асосланган, давлат бошқаруви тизимини бошқариш механизмининг модернизациялаштиришнинг сиёсий-концептуал асослари ёритилган.

Ушбу бобда тадқиқотнинг методологик-назарий асослари таҳлил қилинганлиги учун унда демократия, халқ ҳокимиятчилигининг шаклланишига доир фалсафий-тарихий маълумотлар сиёсий жиҳатдан ретроспектив контекст-таҳлил қилинган, мавжуд назарий қарашлар ёритилган, муаммога оид индуктив ва дедуктив хулосаларга эришилган. Хусусан, замонавий демократик давлат ва ўзини-ўзи бошқариш принципига асосланувчи адолатли, эркин, инсон ҳуқуқлари устувор бўлган фуқаролик жамияти, Янги Ўзбекистон ривожидан давлат ва жамият бошқарувида доир тарихий тажриба ва замонавий сиёсий инновацияларсиз мумкин эмаслиги назарий жиҳатдан асосланган.

Эски бошқарув асосларидан узоқлашиб, янги, замонавий сиёсий бошқарув усуллари томон юз тутаётган Янги Ўзбекистон ўзбек давлатчилиги

тарихий тажрибаси, жаҳон амалиёти ва замонавий сиёсий менежмент, PR технологиялар ютуқларидан самарали фойдаланмай ривожлана олмайди. Зеро, Ўзбекистоннинг бугунги ривожланишининг асосий тенденцияси ҳокимият ва халқ, давлат ва жамият уйғунлиги, манфаатлар бирлиги. 2017 йилдан эътиборан олиб борилаётган давлат сиёсати ушбу уйғунликни таъминлашга, давлат ва халқ ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлашга йўналтирилганлиги билан характерланади⁵.

Методологик жиҳатдан ҳокимият ва халқ, давлат ва фуқаро мулоқотининг бугунги кунда жаҳон демократик бошқарув анъаналари асосида янгидан янги шаклларда амалга оширилиши кузатилмоқда. Масалан, Ж.Мавлоновнинг таъкидлашича, бу ижтимоий ва фуқаровий мулоқот деган шаклларда намоён бўлмоқда⁶. Бироқ Ғарб давлатлари ижтимоий мулоқот тажрибасини механик тарзда мамлакатимизда қўллаш, бизнингча, тўғри эмас. Зеро, фуқароларимиз менталитети, шарқона турмуш тарзи ва руҳиятимиз ўртасида фарқлар мавжуд. Ҳокимиятга, давлатга муносабатда Шарқда азалдан патериализм, катта ёшдагиларга, давлат раҳбарига хурмат билан қараш, андиша руҳияти мавжуд. Демократия ниқоби остида ҳокимият вакилига нисбатан шарттакичилик, уни халқ олдида беобрў қилиш Шарқ халқлари менталитетига бегонадир. Мамлакатимизда мавжуд полиэтник ва мультиконфессиялик шароитида шаклланган ижтимоий барқарорлик муҳити шарқона босиқлик, вазминлик, фуқаролараро тотувлик, ўзаро хурмат алоқалари ҳосиласидир. Ушбу бобда хулоса қилинадикки, халқ билан давлат мулоқоти аҳлоқ, ўзаро хурмат асосида бўлмоғи лозим.

Ижтимоий коммуникацияни концептуал ва методологик жиҳатдан “сиёсий PR дискурс” категорияси орқали баҳолаш мақсадга мувофиқ. Семантик жиҳатдан “сиёсий PR дискурс” категорияси “делибератив демократия” атамасига мазмунан яқин. Рус тадқиқотчиларидан О.Ф.Русакова ва В.М.Русаков таъбири билан айтганда, унинг мақсади – ижтимоий мулоқот орқали жамиятдаги мунозарали масалалар бўйича давлат ва халқ ўртасида ўзаро консенсус, яъни келишувга эришишдир⁷.

Грузия, Украина, Белоруссия, Молдова каби собиқ иттифок республикаларида ёҳуд қўшни Қирғизистонда кузатилаётган ҳокимият ва халқ ўртасидаги ижтимоий мулоқот Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётига ёт ҳисобланади. PR муносабатлари орқали кечадиган ижтимоий коммуникация масаласи бўйича АҚШ прагматик олими Ж.Дьюи ва Германия диний ва дунёвий тадқиқот олими Ю.Хибермас томонидан “сиёсий PR дискурс” атамаси муомалага киритилган. Ушбу сиёсий категориянинг илдизлари узоқ тарихга – грек шаҳар-давлатлари (полислар) даврларига бориб тақалади. Диссертацияда Қадимги Грецияда кузатилган тўғридан-тўғри демократия ва бугун кузатилаётган вакиллик демократияси ўртасидаги мазмунан тафовут ва ўхшашликлар концептуал таҳлил қилинган, “полис” турли ижтимоий

⁵ Мавлонов Ж. Коммуникативные основы деятельности институтов гражданского общества: тенденции и инновации. –Т.: “Adabiyot uchqunlari”, 2018. – 156 с.

⁶ Ўша жойда. – С. 31.

⁷ Русакова О.Ф., Русаков В.М. PR дискурс: теоретико-методологический анализ. – Екатеринбург: УрОРАН Институт международных связей, 2008. – С. 64.

муаммолар ўзаро консенсус орқали ҳал қилинадиган ташкилий ижтимоий-сиёсий институт деб баҳоланади⁸.

Ушбу бобда Шарқ патернализми, эгалитаризм, Рим давлатчилиги, Соҳибқирон Амир Темур давлат бошқарув сиёсати, ўрта аср Уйғониш даври, Реформация, секуляризмнинг юзага келиши, Т.Гоббс, Ж.Локк, Ш.Монтескье ва Г.Гроций томонидан яратилган бугунги либерал демократия дебчаси – ҳокимиятлар бўлиниши принципи сиёсий асослари таҳлил қилинган ва тадқиқотнинг назарий асоси деб олинган.

Диссертацияда халқ ҳокимиятчилиги бўйича қатор хорижий ва маҳаллий олимлар қарашлари билан мунозарага киришилган. Масалан, Ш.Мамадалиевнинг либерал демократия тарқалган жойда уюшқоқлик, манфаатлар уйғунлигига эришиш мушкул, деган фикрига эътироз билдирилди, шахсий ташаббускорлик, индивидуал креативлик ижтимоий ривожланиш талаби эканлиги сиёсий жиҳатдан асосланди. Ушбу бобда “Ўзбек” ва “Ўзбекистон” деган номнинг халқаро имижини шакллантиришга доир концептуал парадигма ва алгоритм яратиш муаммоси ёритилган. Бобда Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини халқ ва ҳокимият, шахс ва давлат ўзаро алоқасини ривожлантиришнинг назарий асосларидан бири эканлиги ёритилган. Диссертациянинг ушбу бобида Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан қарор топаётган халқ билан давлат органлари институти ўзаро мулоқоти масаласи бўйича мавжуд муаммолар, хусусан, сиёсий партиялар ижтимоий “имижининг заифлиги, ҳеч бир партия оммавийликка эриша олмаётганлигининг сабаблари ёритилган, бугунги ахборот технологияларининг, хусусан, “спин”, “спин-мастер”, “спин-доктор”, “пиармен”, “яширин реклама”, “25-кадр”, “PR менежер” каби технологик инновациялардан унумли фойдаланиш орқали етакчи партия мақомига эришиш мумкинлиги ёритилади ва PR-стратегия ҳам, восита ҳам эмас, тактика эканлиги асосланади⁹.

Диссертациянинг **“Сиёсий менежмент ва сиёсий PR”** деб номланувчи иккинчи бобида Ўзбекистон шароитида сиёсий соҳа барқарорлигини таъминлашда сиёсий менежмент ва сиёсий PRнинг ўрни, сиёсий PRнинг оммавий коммуникация асосида оммавий онга таъсир этишнинг асосий функциялари, сиёсий менежментнинг жамият ҳаёти барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили эканлиги асосланган.

Ўзбекистон ривожланишининг ҳозирги босқичида, айниқса, халқ билан мулоқот давлат сиёсати даражасига етаётган паллада сиёсий соҳа бошқарувини сиёсий менежмент (public administration) ва сиёсий PR технологияларини самарали қўлламай жамият барқарорлигини таъминлаш қийин. Жамоатчилик билан алоқа – PR, сиёсий менежмент, ижтимоий

⁸ Аристотель. Политика. Афинская полития. –М., 1997. – С. 17; Берве Гельмут. Тираны Греции. – Ростов на Дону, 1997. – С. 8.

⁹ Бу йўналишда Фарб амалий политологияси тадқиқотларида ёритилган: Green P.S. Winning PR Tactics. – L.: Academic Press, 1994. – P. 148; White J., Mazur L. Strategic communication management. Making Public Relationswork. – Wokingham: Pan, 1995. – P. 52.

психологияни, жамият ахлоқини, аҳоли менталитетини ҳисобга олган тақдирдагина самарали бўлади. Бу муаммо сиёсий менежмент ва сиёсий РРни малакали қўллай оладиган кадрлар масаласи билан узвий боғлиқ. Ушбу бобда кадрлар масаласидаги мавжуд муаммолар ёритилди. Муаллиф фикрича, бугунги замонда кадрлар “танланмайди”, балки сиёсий тилда ифодалаганда “рекрутация” қилинади, яъни тайёрланади ва тарбияланади. Кадрлар танлаш амалиёти маъмурий-бўйруқбозлик тузуми асоратидир. Бу масалада айрим давлатлар илгарилаб кетган. Масалан, нуфузли олийгоҳ – М.В.Ломоносов номли Москва давлат университетида бир неча йиллар давомида сиёсий менежмент соҳаси бўйича алоҳида факультет фаолият юритиб келмоқда, муассаса Россия Федерациясининг турли бошқарув поғоналари учун малакали ёш кадрлар тайёрлаш билан шуғулланади. Ўзбекистонда Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси фаолият кўрсатади. Бизнингча, бир неча ой ва бир-икки йилда сиёсий бошқарув соҳаси учун малакали кадр тайёрлаш мушкул иш. Диссертацияда таъкидлаганимиздек, ниҳол ҳам бир-икки йилда ҳосилга кирмайди, бунинг учун муайян вақт керак бўлади. Раҳбар ва бошқарув кадрлари тизимини жаҳон тажрибаси асосида модернизациялаш – давр талабидир¹⁰. Давлат бошқарув тизимида кузатилаётган раҳбар кадрлар қўнимсизлиги, Президент раҳбарлиги остида олиб борилаётган туб ўзгаришлар сиёсати моҳияти ва мақсадини малакали англамаслик бугунги бошқарув тизимининг оғриқли муаммоларидан биридир. Ушбу масала республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2016 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида: “жойлардаги давлат ҳокимияти органлари – барча даражадаги ҳокимликлар, халқ депутатлари кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришни давом эттиришимиз зарур ... Асосий вазифа – бу юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантириш лозим”¹¹, деб рўй-рост таъкидланди. Ўзбекистоннинг тез ривожланиши инсон омилига, ижтимоий капиталга, унинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий маданияти ривожланиши даражасига функционал боғлиқ.

Сиёсий менежмент имкониятлари чексиз – унинг ёрдамида маъмурий-бўйруқбозликка асосланган, марказлашган бошқарув тизимидан горизонтал ва корпоратив бошқарув тизимига ўтилади. Бу масалада жаҳон тажрибаси мавжуд. Масалан, Хитой раҳбари Си Цзин Пин ўзининг “Давлат бошқаруви” номли китобида қандай қилиб қисқа муддатда Мао Цзе Дунь яратган марказлашган бошқарув тизимидан воз кечиб, давлат арбоби Дэн Сяопин олға сурган “Тўрт модернизация” принципини давлат давлат бошқарувига қўллаб, Хитой иқтисодиёти, халқ турмуш даражаси ўсганлиги ёритилган.

¹⁰ Атамуратов М. У. Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиш жараёни. – Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – Б. 18.

¹¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янгича босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 162-163.

Жамият барқарор илгариламаса, ривожланиш учун сиёсий тузумни модернизациялаштириш, иқтисодий соҳани либераллаштириш, хусусий ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эришиш зарур. Ушбу бобда сиёсий менежментнинг классик кўриниши тарзида Буюк Британия ижтимоий-иқтисодий ривожланиши таҳлил қилинади. Буюк Британия (Англия) ўз иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, Европа Иттифоқидан чиқмоқда (Брэксит). Бунга сабаб – консерватив бошқарув анъаналарига эга Буюк Британияда сиёсий бошқарувнинг бетақроқ ноёб модели тарихан шаклланган. Ушбу модель қуйидаги принципларга асосланади: 1. Давлат раҳбарининг номигагина бўлиши; 2. Ҳукумат раҳбари фақат парламентда кўпчиликни ташкил этувчи партия раҳбари эканлиги; 3. Парламентда кўпчилик иштирокидаги парламент; 4. Қуйи палатанинг ҳукуматни истеъфога чиқаришга қодирлиги; 5. Депутатлар дахлсизлиги; 6. Ёзма қарорлар; 7. Парламент муҳолифати ва ҳ.к.

Сиёсий менежмент қонун орқали бошқаришни тақозо этади. Ушбу принциплар тарихан янги бўлмай, даставвал, Қадимги Рим республикасида қарор топган бўлиб, Ж.Локк, Т.Гоббс, Ш.Монтескьелардан олдин ҳокимиятлар бўлиниши принципнинг дебочаси бўлган. Тарихда АҚШ илк бор ушбу принципларни модернизациялаштиришга муваффақ бўлди. Алексис де Токвилл, М.Вебер каби социолог олимлар ушбу принциплар АҚШни демократик бошқарув тарихий андозасига айланганлигини қайд этганлар. Либерал демократик бошқарув ҳам бугун модернизациялашмоқда. АҚШнинг машҳур “Newsweek International” ҳафталик журнали муҳаррири Фарид Закариё буни неолиберал демократия¹² деб атади.

Тарихий ва замонавий манбалар сиёсий таҳлили сиёсий менежмент ҳам догма эмас, балки ҳар бир давлат ва жамият ижтимоий-тарихий хусусияти билан алоқада демократия ҳодисаси каби бетақроқ қиёфада амал қилиши ҳақида хулосага олиб келади. Шу боис, тақлидчилик, хорижий бошқарув тажрибасини механик қабул қилиш ижобий натижа бермайди. Бироқ умумий жиҳатлар ҳам мавжуд. Масалан, тадқиқотчи У.Бўтаев тўғри таъкидлаганидек, “жаҳондаги деярли барча давлатлар ҳуқуқ-шартнома тартибида у ёки бу даражада муайян одоб-муомала меъёрларига амал қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олган”¹³.

Сиёсий менежментда сиёсий PR муҳим ўрин тутаяди. Бунинг сабаби – сиёсий реаллик, оммани бошқарувчи субъектдан, менежердан ушбу реаллик ҳолати, фуқаролар кайфияти, долзарб ижтимоий муаммолар ҳақида маълумотга эга бўлиш талаб қилинади. Сиёсий PRсиз самарали сиёсий менежмент мумкин эмас, бугунги давлат бошқарувида кузатилаётган турли нуқсонлар, камчиликлар буни яққол тасдиқлайди. Бундай кўр-кўрона сиёсат нафақат, ушбу ташкилотнинг, балки давлатнинг ҳам обрўсини тўкади. PR бир ёқлама таъсир эмас, у реципиент томонидан ҳам таъсирга учрайди. Иккиёқлама таъсирсиз PR технология самара бермайди. Бу хусусда ушбу

¹² Қаранг: Zakaria F. The Rise of Illiberal Democracy // Foreign Affairs - 1997. - Vol. 76. - №6. November / December. pp. 22-43.

¹³ Бўтаев У. Жамият барқарорлиги: Ўзбекистон тажрибаси. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2017. – Б. 17.

бобда батафсил таҳлил амалга оширилди. Тадқиқотчи С.Саидходжаев ва А.Кўчқоровлар тўғри таъкидлаганидек, PR иқтисодий ва ижтимоий омилга ҳам таъсир этувчи технология бўлиб, у бир вақтнинг ўзида инсон “ахборот онги”ни, унинг сифат даражаси, ҳаёт сифатини белгилаш кўрсаткичидир¹⁴. Бу кўрсаткич ижтимоий онг ривожланишининг нафақат индекси ва индикатори, балки унинг фаоллашувига таъсир этувчи “катализатор” ҳамдир. Бизнингча, бугун PR технология ахборотлашаётган жамиятда етакчи сиёсий омил, жамият демократиялашувининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қиладиган воситага айланмоқда. Унинг асосий белгиси ва вазифаси – ахборот эркинлигига хизмат қилиш, аҳоли турли табақалари ўртасидаги ўзаро консенсусга эришиш ва пировард оқибатда, ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилишидир.

Диссертациянинг учинчи боби **“Сиёсий тизимда имижмейкинг ва унинг жамоатчилик билан алоқаларнинг ривожланишидаги ўрни”** деб номланиб, учта параграфдан иборат. Ушбу бобда имиж ва уни шакллантириш технологиялари, раҳбар имижининг замонавий талаблари ва шакллантириш технологиялари ҳамда сайлов жараёнларида имижмейкинг технологияларининг ўрни ҳамда аҳамияти тадқиқ ва таҳлил қилинган.

Сиёсатни конкрет инсон, шахс шакллантиради. Бироқ ҳокимиятга сайлов жараёнларида электоратни кўпроқ номзодни келажакда уни қандай сиёсат юргизиши эмас, балки кўпроқ унинг “шахси”, имижни қизиқтиради. АҚШ социологлари буни сиёсатнинг шахслашуви, илмий муомалада эса сиёсатнинг “персонификациялашуви”¹⁵ деб аташмоқда. Ушбу муаллифлар хулосасига кўра, сайловчи, асосан номзод шахсига кўпроқ эътибор қаратади. Иккинчи ўринда шахснинг ижтимоий вазифани қандай удалай олиши қобилияти туради. Сиёсий масалалар сайловчи назарида учинчи ўринда туради. Номзоднинг қайси сиёсий партияга мансублиги эса, охириги ўринда туради. Бундай ҳолат сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларда сиёсий имиж масаласини долзарблаштиради. Муаммонинг тарихий илдизларини ўрганиш ва унинг сиёсий таҳлили шундан далолат берадики, имижмейкинг технологияси, унинг сифати бағоят катта яратувчанлик салоҳиятига эга. Имижмейкинг технологияси орқали фақат ижобий, эзгу ишларга бошловчи шахс эмас, айрим ҳолларда жамиятга катта зарар келтирувчи шахслар, Форобий айтган “фозил”, “оқил” кишилар эмас, балки ғайриинсоний, ёвуз ишларга бошловчи шахслар ҳам ҳокимият тепасига чиқишга муваффақ бўлади. Тарихда бундай ҳодисалар кўп кузатилган. Масалан, инсониятга Гегель, Кант, Шиллер, Гёте, Бах, Моцарт каби даҳоларни берган Германия тепасига авантюрист А.Гитлернинг келиши, ярим жинойтчи И.Сталиннинг қатағонлари, Пол Пот ва Иенг Сарининг Камбоджада давлат тепасига келиши миллионлаб қурбонларга олиб келиши каби мудҳиш ҳодисаларни эслаш мумкин. Бугун сиёсий PR ва имижмейкинг технологиялари орқали ўртамиёна шахс ҳам сиёсат чўққисига чиқа олади. Масалан, Голливуд актёри

¹⁴ Саидходжаев С., Кучкаров А. Роль информационно-коммуникативных технологий в развитии общества // “Халқаро муносабатлар – Международные отношения”. №1. – Т.: УМЭД, 2006. – С. 65-69.

¹⁵ Қаранг: Schiffman L.G., Kanuk L.L. Consumerbehavior. – Englewood Cliffs. N.J. Akademia, 1983. – P. 154.

Р.Рейган, мультимиллионер Д.Трампи малакали сиёсатдонларни ортида қолдириб АҚШда ҳокимият тепасига кела олишганини таъкидлаш мумкин.

Имижмейкинг агитация ва пропаганда эмаслиги ушбу бобда таҳлил қилинган. Улар сиёсий PRнинг фақат бир кўринишидир. Агитация ва пропаганда собиқ шўро сиёсати ва мафқурасининг асосий ғоявий қуроли бўлиб хизмат қилган эди. Бобда имижмейкинг усули ва технологиясининг ижобий ва салбий жиҳатлари илмий манбалар асосида тадқиқ ва таҳлил қилинди. Ушбу бобда ахборот-коммуникация жараёнлари мисли кўрилмаган даражада тез ривожланиши ва такомиллашуви даврида имижмейкинг технологияларининг жамиятни демократиялаштириш ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, Янги Ўзбекистонни шакллантиришга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишдаги ўрни ва роли сиёсий таҳлил қилинди ва айрим хулосалар ҳамда таклифлар ишлаб чиқилди.

Диссертацияда Янги Ўзбекистонни фақат илмий асосда, сиёсатшуносликнинг сиёсий таҳлил, элитология, сиёсий менежмент, сиёсий PR, лоббизм, конфликтология, сиёсий реклама ва ҳоказо тармоқларини амалий-тадқиқий ривожлантириб, қуриш мумкин деган хулосага келинди. Фақат шу асосда давлат бошқарувига муносиб шахслар келади, бошқарув соҳасидаги мавжуд нуқсон ва камчиликларга барҳам берилади. Президент Ш.М.Мирзиёев бошлаб берган халқ билан мулоқот йўли – демократик тараққиёт йўли бардавом бўлади.

Ўзбекистонда сиёсий менежмент пойдеворига асос солинди. Президент қабулхонаси, ИИВ, прокуратура, солиқ ва бошқа хизматлар ишонч телефонлари ва ҳоказолар сиёсий менежмент ҳодисасига тааллуқли. Ушбу бобда 2019 йил 22 декабрда Олий Мажлис, вилоят ва туман (шаҳар) халқ депутатлари кенгашларига бўлиб ўтган сайловларда имижмейкинг ва PR технологияларни сиёсий партиялар қай даражада қўллай олганликлари, электорат нуфузига эга бўлишда эришган ютуқ ва камчиликлар бешта сиёсий партия мисолида таҳлил қилинди. Ушбу бобда имижмейкинг кўриниши – сиёсий реклама (“Public advertising”) муаммоси ҳам ёритилди, маҳаллий телеканаллар ва ижтимоий тармоқлардаги стихияли ҳолатлар сиёсий таҳлил қилинди. Шуниндек, давлат бошқарув тизими, маъмурий органлар тизими ходимлари имижи ҳақида қайғуриш лозимлиги, мамлакат сиёсий элитаси рекрутацияси муаммоларига эътибор берилди.

Президент Ш.М.Мирзиёевнинг “янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илғор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ватанпарвар, ҳалол кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича тизим яратилмас экан, давлат бошқарувида сифат ўзгариши юз бермайди”¹⁶, деган пурмаъно фикрларидан юқорида амалга оширилган сиёсий таҳлилда қўлланма сифатида фойдаланилди. Сиёсий менежмент ва имижмейкинг контекстида раҳбар ижмининг замонавий талаблари ва шакллантириш технологиялари тадқиқ қилинди.

¹⁶ Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш, барқарор ривожланишни таъминлаш – халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратишнинг кафолатидир // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янгича босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 84.

Жамият ҳаётининг барқарор ривожланишида сиёсий етакчи ва сиёсий элитанинг роли ва ўрни бекиёс. Диссертацияда халқни - поезд вагонларига, сиёсий етакчи ва раҳбарни - локомотивга қиёсладик. Локомотив қанча замонавий, кучли бўлса поезд манзилга шунча тез ҳаракат қилади. Тарихда бундай ҳолатлар кўп кузатилган: А.Македонский, Чингизхон, Амир Темур, Наполеон, Пётр I, Маҳатма Ганди, генерал де Голль, Уинстон Черчилль, Мао Цзе Дунь, Дэн Сяопин, Мустафо Камол Отатурк, И.А.Каримов ва бошқалар жамиятни юксакликка бошлаган. А.Гитлер, И.Сталин, Пиночет, Пол Пот, Иенг Сари ва бошқалар эса жамиятни таназзул томон бошлаганлари сиёсий менежмент контекстида қайд қилинди. Замонавий ўзбек раҳбаршунослигини ўрганишга Т.Алимардонов, Д.Алимова, Б.Аминов, А.Арипов, А.Бегматов, М.Бекмирзаев, В.Каримова, М.Жакбаров, А.Жамалов, С.Жўраев, Т.Жўраев, У.Исломбеков, К.Калонов, Ф.Иргашев, Н.Комилов, А.Мўминов, Қ.Назаров, С.Отамуродов, Ш.Пахрутдинов, Ж.Раматов, Н.Умарова, А.Очилдиев, Ф.Равшанов, А.Саъдуллаев, А.Холбеков каби кўзга кўринган тарихчи, иқтисодчи, ҳуқуқшунос, файласуф, адабиётшунос, сиёсатшунос ва социолог олимларнинг қўшган салмоқли ишлари¹⁷, ўзбек менталитети, давлат бошқарув соҳасида тарихий тажрибани акс эттирувчи қарашлари таҳлил қилинди ва сиёсий менежмент ва PR муаммоси бўйича назарий асос сифатида фойдаланилди.

Шу билан бирга, бугунги ўзбек раҳбаршунослик йўналишида мавжуд нуқсонлар ва муаммолар замонавий элитология контекстида таҳлил қилинди ва имижология, сиёсий рекрутация ютуқларисиз замонавий раҳбар кадрларни тайёрлаш тизимли ва малакали бўлмаслиги таъкидланди.

Раҳбар имиж – давлат, у олиб бораётган сиёсат имижидир. Раҳбар бу талабдан оғмаслиги зарур. Давлат бошқарувида йўл қўйиладиган суиистеъмолчилик, коррупция ва ҳоказо иллатлар давлат сиёсати, пировардда, мамлакат обрўси, халқаро “имиж”га салбий таъсир кўрсатади. Зеро, халқаро ташкилотлар ушбу масала юзасидан мониторинг ўтказадилар ва халқаро индексларни ишлаб чиққанлар. БМТ томонидан йиллик ҳисоботлар умумлаштирилади. Демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши бу ишда асосий мезон саналади. Шу боис, мамлакат етакчиси Ш.М.Мирзиёев раҳбар кадрлар масъулиятига мунтазам эътибор қаратмоқда. Мамлакат, халқ истиқболи, тақдири раҳбар кадрлар маънавий салоҳиятига, уларнинг халқчил фаолиятига боғлиқ. Ижтимоий капитал, мамлакат ривожига ҳисса қўшувчи меҳнат ресурсларидан оқилона фойдалана билиш ҳам раҳбар салоҳиятига, Президент Ш.М.Мирзиёев таъбири билан ифодаланди “халқ розилиги” билан боғлиқ. Бугун тўрачилик, бюрократия, зўравонлик, яъни ижтимоий ҳимоя институтини қўлламай, фуқаро мулкига тажовуз айрим раҳбарларга нисбатан адекват жавобни (масалан, раҳбарни ёқиб юбориш ёки дўппослаш) келтириб чиқармоқда, натижада, давлат

¹⁷ Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти / Қ.Назаров, И.Эргашев ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – 736 б.

